

Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилояти  
Нарпай тумани



НОКИМИ  
ҚАРОРИ

РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА

Нарпайского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2019 йил «    »

№    -Қ

Оқтош ш.- г.Акташ

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли  
автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник  
кўриқдан ўтказиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон) ижросини таъминлаш ҳамда Нарпай туман ички ишлар бўлимининг 2019 йил 18 январдаги 11/3-153-сонли хати инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб;

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1.Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автоматотранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2.Туманда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага қиради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўриқка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 февралдан 31 августгача ўтказилиши инобатга олинсин.

4. Туманда техник кўрикни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2018 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга “JV MAN AUTO Uzbekiston” маъсулияти жамияти шаклидаги қўшма корxonанинг техник кўрик ўтказиш учун зарур ва шароитларга мавжудлиги тўғрисидаги 2013 йил 22 январдаги 32-сонли таклифига асосан, уларга тегишли бўлган автобус, ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларнинг тиркамаларини қўшма корxonанинг сервис ва диллерлик марказида, бошқа турдаги транспорт воситаларини “Самарқанд Автотеххизмат” ОАЖга қарашли тумандаги Агротехсервис МТПда техник кўриқдан ўтказилиши тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори 3-банд талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари мажбурий техник кўриқлари ўз юқори ташкилотларининг қарори ва иш режаси асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў.Назаров зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор қабул қилиниши билан туман ҳокимининг 2018 йил 24 мартдаги 313-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Туман ҳокими:**

**Б.Жабборов**